



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1994 йилда Умумжаҳон почта иттифоқи кирган вақтида унинг Устави ва Яқуний баённомасига (Вена, 1964 йил 10 июль), сўнгра эса Умумжаҳон почта иттифоқи Уставининг аввал қабул қилинган барча еттига қўшимча баённомасига қўшилган эди. Ушбу баённомалар Ўзбекистон Республикаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ратификация қилинган.

Умумжаҳон почта иттифоқи кирувчи мамлакатлар почта жўнатмаларини ўзаро алмашиш учун ягона почта ҳудудини ташкил этишига асосланиб, ташкилотнинг мақсади почта алоқалари ташкил этилиши ва такомиллаштирилишини таъминлаш ҳамда бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат қилиб белгиланган эди.

Мазкур Баённоманинг ратификация қилиниши, сенаторларнинг фикрича, Ўзбекистонга сифатли, самарали почта алоқаси хизматларини барқарор ривожлантиришни давом эттириш, Умумжаҳон почта иттифоқи аъзо барча мамлакатлар ҳудудидида халқаро почтани қабул қилиш, уни ишлаш ва етказиб беришнинг ягона технологиясидан фойдаланиш, улар билан ҳамкорликни ва ўзаро алоқани ривожлантириш, шунингдек, халқаро ташкилотларда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва ёқлаш имконини беради.

Шундан кейин сенаторлар «Гийёҳ-вандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида Озарбойжон Республикаси, Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Битимни (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Ушбу Битимнинг мақсади аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг гийёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда тарқатилишига қарши кураш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлигини кенгайтиришдан иборат.

Қун тартиби доирасида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий



банкнинг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф.Муллажоновнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб, Марказий банк 2010 йилда ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширилганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисида кўрилган устувор вазифалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги Қарори ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури рўйбга чиқарилишини таъминлаганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ялпи мажлисда қайд этилганидек, қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш натижасида ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланиши ҳамда инфляция даражасининг кўзланган мақсад параметрлари доирасида сақланиб туриши таъминланди. 2010 йил якунлари бўйича инфляция даражаси 7,3 фоизни ташкил этди, тижорат банкларининг умумий капитали 1,4 баробар ўсди. Бундан ташқари, банкларнинг капиталлашувини ошириш бўйича амалий чоралар кўрилганлиги мамлакат банк тизими ка-

питалининг етарлилик кўрсаткичи умумий қабул қилинган жаҳон стандартларидан 3 баробар ортик бўлишини таъминлаш имконини берди, натижада банкларнинг активлари 32,1 фоизга кўпайди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молия-банк фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг бундан бўён ҳам капиталлашуви ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш, бу соҳага хусусий капитални жалб этиш, тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда уларнинг иқтисодий реал секторини инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўлдошлик кенгайтириш, кичик бизнес, фермерликни ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш ва ҳажмларини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш шакллантиридан далолатидир. Бу, ўз навбатида, юртимизда демократик парламентаризм жамият сиёсий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётганини билдиради. Бошқа томондан, мазкур механизм сиёсий партияларнинг ижтимоий долзарб масалалар бўйича ўз фикрини тўла ифодалаб, дастурларини янада самарали бажариши учун имконият яратди.

Шу ўринда Бош вазирнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи бўйича қабул қилинган Олий Мажлиси палаталарининг Қўшма Қарорини замонавий давлатчиликнинг тарихида муҳим сиёсий воқеа сифатида эътироф этиш лозим.

Қўшма Қарорда кўрсатилганидек, мамлакатимизда сўнгги

ётти либераллаштиришнинг гоёт муҳим омили ва шарт сифатида банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасидаги асосий қондалар ҳамда ҳулосалар рўйбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Ушбу ҳисоботни муҳокама қилиш якунлари бўйича Олий Мажлис Сенати тегишли қарор қабул қилди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларнинг ҳам кўриб чиқдилар.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси давомида 21 та масала, шу жумладан демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштиришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 15 та қонун кўриб чиқилди. Уларнинг рўйбга чиқарилиши аҳолининг турмуш даражасини, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликни янада оширишнинг кудратли омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини татомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Қ А Р О Р К И Л А Д И:

1. Анвар Акрамович **Усманов** судьяси вазифасидан озод қилин- бошқа ишга ўтганлиги муносаба- ти билан Ўзбекистон Республика- си Конституциявий судининг
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2011 йил 27 август

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Қ А Р О Р К И Л А Д И:

1. Файрат Ботирович **Хидоят**ов судьяси вазифасидан озод қилинсин.
2. Тоғайторе Шинибекович **Калибеков** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Рес- публикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2011 йил 27 август

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ҲЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Қ А Р О Р К И Л А Д И:

1. Шухрат Зафарович **Саидов** судьялари этиб сайлансин: Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбо- сари этиб сайлансин.
2. Куйидагилар Ўзбекистон Рес- публикаси Олий ҳўжалик судининг
3. Ойбек Абдуқадирикович **Джурраев**.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2011 йил 27 август

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# КОНЦЕПЦИЯ: Устувор йўналишлар белгилаб олинди



Фахритдин РАЖАБОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎЗХДП фракцияси аъзоси.

■ Кун сайн мамлакатимиз ҳаётидаги шонли сана — Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига яқинлашмоқдамиз. Қутлуғ айёмга тайёргарлик доирасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бинобарин, бу ислохотларнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнини қамраб олмақда. Хусусан, Президентимиз тақдим этган Концепция сиёсий партияларнинг ижтимоий мавқеини кучайтиришга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Концепцияни амалга оширишнинг натижаси ўлароқ парламент томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлардан бири

— «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»- ги Қонундир. Мазкур ҳужжат давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Жумладан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандига киритилган қўшимча Олий Мажлис палаталарига Бош Вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисо-

дий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини юзасидан ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатини беради. Бу қоида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги муносабатни янада изчиллаштиради. Агар парламентдаги сиёсий партиялар муайян масалани жамият учун долзарб деб ҳисобласа, бу борада ҳукумат раҳбари ҳисоботини тинглаши мумкин. Бу эса парламентнинг ижро ҳокимияти фаолиятига таъсирини кучайтиради.

Бу меъёр парламент ва ҳукумат ҳамкорлигининг қайд этилган механизмни тўлдирган ҳолда, ҳукуматнинг парламент олдида ҳисобдор эканини билдиради, ижро ҳокимияти раҳбарининг масъулиятини оширади. Пировақларда, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги конструктив ҳамкорлик ўрнатилишини, яъни давлат ҳокимияти органлари ўзаро мутаносиб фаолият юритишини таъминлайди.

Ҳукумат раҳбари ҳисоботини тинглаш парламент назоратини амалга ошириш ва сиёсий партиялар электратини ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш имконини кенгайтиради. Бу механизм жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида мавжуд парла-

мент назорати институти амалга оширишга тўла мос келади. Бу меъёрнинг Конституциямизга киритилиши мамлакатимизда демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш борасидаги жаҳон аналари доирасида амалга оширилаётганидан далолатидир. Бу, ўз навбатида, юртимизда демократик парламентаризм жамият сиёсий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётганини билдиради. Бошқа томондан, мазкур механизм сиёсий партияларнинг ижтимоий долзарб масалалар бўйича ўз фикрини тўла ифодалаб, дастурларини янада самарали бажариши учун имконият яратди.

Шу ўринда Бош вазирнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи бўйича қабул қилинган Олий Мажлиси палаталарининг Қўшма Қарорини замонавий давлатчиликнинг тарихида муҳим сиёсий воқеа сифатида эътироф этиш лозим.

Қўшма Қарорда кўрсатилганидек, мамлакатимизда сўнгги

йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, либераллаштириш ва модернизация қилишга қаратилган 400 дан ортик қонун қабул қилинди. Айни вақтда мазкур қонунларни амалга ошириш бўйича ёндашув жиҳатидан ҳам, уларнинг ижросини назорат қилиш жиҳатидан ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётини тубдан ўзгартириш талаб қилинаётганлиги, бу эса биринчи навбатида, қабул қилинган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, уларнинг процессуал механизмларини яратишга етарли даражада таъсир қаратилмаётганлиги, бунга депутатлик корпусларининг эътибори сустилигини инкор этиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар фракциялари қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш, ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш учун унинг мазмун-моҳиятини ва ҳаётини қимматини жамоатчиликка етказишга фаол иштирок этиши лозим.

Қолаверса, назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида парламент

ҳисоботи, эшитишга киритилаётган масалаларни чуқур ўрганишга, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида аниқланган ва ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган амалий тақлифлар ишлаб чиқиши, бунда нодавидан нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқиш керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Олий Мажлис палаталари Қўшма Қарориди баён этилган вазифалардан келиб чиқиб, қабул қилинган қарориди белгиланганидек, партия электратини манфаатларига жавоб берадиган иқтисодий ва ижтимоий масалаларни амалий ҳал қилишда фаол иштирок этиш партия фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Қарорда Ўзбекистон ХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил этиш, унинг мазмун-моҳиятини ва ҳаётини қимматини жамоатчиликка етказишга фаол иштирок этиши лозим.

Қолаверса, назорат-таҳлил тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида парламент

ва тўлдирининг устувор йўналишларига алоҳида эътибор берилган.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлардаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари жойларда қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратида изчил иштирок этиб, мавжуд муаммо ва камчиликларга нисбатан электротар манфаатларидан келиб чиқиб янада принципал ёндашиши, уларнинг ечимини бўйича амалий тақлифлар тайёрлаши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси минтақавий ташкилотларининг кенгайтирилган йиғилишларида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга оширишда бошқарув тизимини шакллантириш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Белгиланган вазифаларнинг жамият равнаки ва электротар манфаатига хизмат қилишини инобатга олиб, уларнинг ижросида партияимизнинг ҳар бир ташкилоти ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари янада жиддий ёндашиши зарур.

Истиқлол имкониятлари

# «Afrosiyob» — тез, қулай ва ишончли

...Тошкент темир йўл вокзали байрамона безатилган. Бу ерга «Afrosiyob» электропоездининг ilk қатновига бағишланган тадбирда иштирок этиш учун кўплаб меҳмонлар йиғилган. Темирйўлчилар ва жамоатчилик, маҳаллалар фаоллари, нуруний отахон ва онахонлар, дипломатик корпус вакиллари «Afrosiyob» электропоездида Самарқанд сари йўл олади.

Улар Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи электропоездлар қатнови ташкил этиш лойиҳаси доирасида амалга оширилган кенг қуламли ишлар билан танишади.

Ватанимиз Буюк ипак йўли марказида жойлашган. Йўллар халқимиз ҳаётида бекиёс аҳамиятга эга. Зотан, йўл борган жойда тараққиёт бўлади, халқнинг фаровонлиги, маънавияти ва маданияти юксалади. Айнан шу боис манзиллардан-манзилларга замонавий, қулай ва хавфсиз йўллар очиб халқимизнинг асрий орузи бўлиб келган. Ватанимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши мурадларимиз ҳосил бўлиши сари кенг йўл очди.

Тошкентдан чиққан поезд икки соатда Самарқандга етиб келади, дейилса, кўпчилик ўн йил илгари ҳам бу гапни афсонага йўяр эди. Бунёдкор халқимиз ана шу афсонани ҳақиқатга айлантирди. Мустақиллик даври кишиларининг ўткир зеҳни, собит қадами, қатъий хоҳиш-иродиси ва азму шижоати эвазига халқимизнинг яна бир орузи ушaldi.

— Бу поездда инсон, унинг қулай шароитда манзилга омонсон етиб олиши учун барча шароитлар муҳайё этилган, — дейди «Нуруний» жағфармасининг Самарқанд шаҳар бўлинимаси раиси Турсун Сафаров.

— Бу Юртбошимиз юритаётган оқилона ва инсонпарвар сиёсатнинг, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, қут-барак самарасидир. Бундай поездлар етти улаб тушимизга кирмаган. Тиқилнчдан одамнинг нафаси қайтадиган, ёзда дим, иссиқ, қишда «тиш тақиллайдиган» поездларда юришга мажбур бўлганимиз, бекату вокзалларда қулаб, ҳафталаб қолиб кетганларимиз ҳамон эсимда. Бугун эса қулай ва салқин поездларда Тошкентдан Самарқандга атиги икки соатда етиб бориш имкониятига эга бўлди. Илгари шу манзилда 8 соат юрар эдик. Тўрт баравар қисқарган. Бу гапларни айтиш осон. Мамлакатимизда транспорт-коммуникация тизимининг энг илгор халқаро талаблар асосида муттасил ривожланаётгани одамларимизнинг маънавияти юксалишига, уларнинг қайфиятига ҳам бевоусита таъсир қилсади. Собик тузум даврида инсоннинг қадри топталган эди, бугун эса нима иш қилинамиз, эътибор марказида инсон манфаати турибди. Буни ушбу янги поездимиз мисолида ҳам аққол кўриб туришимиз. Халқимизнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш йўлидаги гамжўрликлар учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

Юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи электропоездлари қатнови ташкил этиш бора-борасида саъй-ҳаракатлар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил Испания Кироллигига ташири доирасида эришилган келишув асосида бошлаб юборилди. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда Испаниянинг «PATENTES TALGO S.L.» компанияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланиб, Испаниядан юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи электро-

поездларини сотиб олишга келишиб олинди.

Лойиҳа Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 5 январда қабул қилинган «Юқори тезликда ҳаракатланувчи иккита Talgo-250 (Испания) йўловчи электропоездларини сотиб олиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда.

«Afrosiyob» электропоезди «PATENTES TALGO S.L.» компаниясининг ноёб технологияси асосида лойиҳалаштирилган. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси мутахассислари испаниялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда электропоездларни мамлакатимиз темир йўл изларига мослаштириш бўйича иш олиб борди, унга замонавий ҳаракат хавфсизлиги, радиоалоқа тизими ўрнатилди.

Электропоезд 2 локомотив, 8 йўловчи вағони ва 1 вагон-ресторандан иборат. Ногиронлар ва имконияти чекланган йўловчилар учун махсус қулайликлар кўзда тутилган. Максимал тезлиги 250 км/соатни ташкил этувчи «Afrosiyob» Тошкентдан Самарқандга бўлган 344 километрлик масофани 2 соатда босиб ўтади. Янги электропоездининг бундай юқори тезлик билан юриши вақтини тежаш билан бирга, ҳаракатларни ҳам кескин қисқартиради. Ушбу поездни бошқарувчи машинистлар ва хизмат кўрсатувчи жамоа бевосита Испаниянинг Talgo ва Renfe компанияларида малака ошirdи.

«Afrosiyob» электропоездининг ilk йўловчиларидан бўлган дипломатик корпус вакиллари ҳам ўз таассуротлари билан ўртоқлади.

— Ушбу замонавий ва қулай поездлар қатновининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон халқининг катта ютуғидир. Ўзбекистон бу

борада кўплаб мамлакатлар, жумладан, АҚШдан илгарилар кетди. Чунки бизда бундай юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар йўқ, — дейди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жорж Кроп. — Юртингизнинг ушбу соҳада эришаётган ютуқларини инобатга олган ҳолда, АҚШда бу тармоқни ривожлантиришга эътибор қаратишимиз лозим. Ҳақиқатан ҳам, темир йўл мамлакат иқтисодини ривожлантириш, масалан, сайёҳликни тараққий эттиришда истиқболли соҳалардан ҳисобланади. Айни пайтда юртингизга келаётган америкаликларга бу ерда йўлга қўйилган бундай замонавий транспорт хизмати ҳақида кўпроқ маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

— Ўзбекистонда бугун қатнови йўлга қўйилган ушбу янги электропоездда биринчилардан бўлиб саёхатга чиқиш мен учун катта шарафдир, — дейди Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Руперт Жой. — Ушбу муҳим ва қувончли воқеанинг мамлакатимизга мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида рўй бериши алоҳида аҳамият касб этади. Айни пайтда бу Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан дадил оқибат, кўплаб ютуқларни кўлга киритганидан далолатдир. Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик энг катта ютуқлардан биридир. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Самарқандга ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дунё халқлари мусиқаси ва маданиятини тарғиб қилиш, халқлар ўртасида маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустақамлаш борасидаги муҳим воқеадир.

— Ўзбекистонда темир йўл тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратилётгани тахсин-



Альо АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

га сазовор, — дейди Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мариан Пшезьдзецки. — Чунки бугунги тараққиёт темир йўл транспорти энг истиқболли соҳа эканлиги ва шундай бўлиб қолишини кўрсатмоқда. Сўнгги пайтларда мамлакатимизга Польшадан келаётган сайёҳлар сони кўпаймоқда. Улар билан суҳбат чоғида юртдошларимиз Ўзбекистонда темир йўл тармоғи янги ривожлангани, шаҳарларини замонавий вокзаллар бунёд этилгани, йўловчиларга юқори даражада сервис хизмати кўрсатилиши ҳақида гапирди. Ушбу юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоезд қатновининг йўлга қўйилиши халқимиз ва хорижлик меҳмонларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада оширишда бекиёс аҳамият касб этади.

— Ўзбекистоннинг икки бетакрор шаҳри ўртасида қатнай бошлаган янги электропоездининг ilk йўловчиларидан бўлганимиздан бениҳоя бахтиёримиз ва Ўзбекистон раҳбариятига бундай имкониятни яратиб бергани учун миннатдорлик изҳор этамиз, — дейди Ўзбекистондаги дипломатик корпус дауини, Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов. — Ушбу замонавий, қулай, йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган поезд юртингизда темир йўл соҳаси изчил ривожланиб бораётгани, йўловчи ташкил тармоғига тамомла янгица ёндашуви ва талаблар асосида қаралаётганидан далолат беради. Бундай катта муваффақият билан қар-

дош ўзбек халқини самимий му-

боракбод этаман. «Afrosiyob» йўловчи электропоезди ҳаракатини ташкил этиш мақсадида Тошкент — Самарқанд йўналишида темир йўл инфраструктурасини модернизация қилиш ва қайта қуриш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. 600 километрлик темир йўл масофаси реабилитация қилинди, 68 километр янги темир йўл қурилди. Шундан, Янгиер — Даштобод оралиғида 35,32 километрлик икки қатор янги темир йўл, 142 метрлик туннел ҳамда умумий узунлиги 400 метр 4 замонавий кўприк қурилди, линия йўлларини электрлаштириш мақсадида металл устунлар ўрнатилди, алоқа ва сигналлаштириш тармоқлари модернизация қилинди, поезд ва аҳолининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида муҳорфа зоналарида темир-бетон деворлар ва металл панжарали тўсиқлар қўйилди, пийдалар ўтиш жойлари замонавий архитектура талаблари асосида қуриб битказилди. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва улар учун янги қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент ва Самарқанд вокзаллари реконструкция қилинди ва жиҳозланди.

...Поезд қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига етиб келди. Бу ерда ҳозир бўлганлар меҳмонларни қарнай-сурнай садо-лари, гуллар билан қутиб олди. Темир йўл вокзали реконструкция қилинганидан сўнг бунгунла янги қиёфа касб этган. Бу ерда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган.

«Afrosiyob» йўловчи электропоездининг ilk йўловчилари шу кунки Самарқанд шаҳрида бошланган «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали очилишига бағишланган тадбирда иштирок этди. Тун оғушида Самарқанддан йўлга чиққан «Afrosiyob» кўз очиб-юмгунча пойтахтимизга қайтиб келди. Сафаримиз давомида ким билан суҳбатлашмайлик, барча ушбу тарихий воқеанинг гувоҳи, энг муҳими асосий иштирокини бўлганидан бахтиёр эканлигини билдирди. Бу Президентимиз Ислам Каримов томонидан мамлакатимизда темир йўл транспортини ривожлантиришга, халқимизга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини юксалтириш ва уни энг ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш йўлида кўрсатилаётган доимий гамжўрлик ва эътиборнинг амал-и натижаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида йўлга тушган бундай электропоездлар наинки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона, балки ҳақон миқёсида ҳам бармоқ билан санарли мамлакатлардаги-на мавжуд. Ушбу тарихий воқеа юртимиз иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос намойиши бўлиши билан бирга, одамларимизнинг маънавий-маданий ҳаётида, уларнинг турли хизматлари, жумладан, транспорт хизматидаги бўлган муносибати, талабиди катта ўзгаришлар рўй бераётганини ҳам кўрсатади.

Олим Тўрақулов, ЎЗА махсус муҳбири.

Реклама

20 йил

Қашқадарё вилоятидаги «EASTBRICK» масъулияти чекланган жамяят жамоаси

халқимизни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги ва Рамазон ҳайити билан муборакбод этади!

Осойишталик, фаровонлик, аҳиллик, юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Она диёримиз мусаффо осмони узра хуррият қуёши абадий нур сочиб турсин!

## Сени куйлаймиз, замондош!

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган республика театрларининг «Сени куйлаймиз, замондош!» кўриктанлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси, Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу ижодий танловда юртимиз театр жамоаларининг фаолияти яна бир бор сарҳисоб этилди.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ё.Аҳмедов ва бошқаруви Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда театр санъатини янада равнақ топтириш, унинг ёш авлод маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, ижодий жамоаларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш

юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Мазкур ижодий кўрик-танловга юртимиз театрлари томонидан ўттиздан ортиқ лойиҳа тақдим этилди. Санъатшунос мутахассислар томонидан уларнинг энг яхши ўн олтитаси танловда иштирок этиш учун саралаб олинди.

Ҳайъат қарорига асосан, биринчи ўринга муносиб номзод топилмади. Иккинчи ўринга Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма ва комедия театрининг «Баҳор шамол» (муаллиф Нурилло Аббосов, режиссёр Хайрулла Солиев) спектакли, учинчи ўринга Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрида саҳналаштирилган «Интилганга толе ёр» (муаллиф Пулат Айтмурадов, режиссёр Жалғас Султбаев) спектакли лойиқ топилди.

Шунингдек, «Барқамол авлод ҳаётига бағишлаган энг яхши спектакль учун» номинацияси Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусикали драма театри жамоасининг «Оққуш

(муаллиф Маҳмуджон Комилжонов, режиссёр Тожибой Исроилов) спектакли ва Республика ёш томошабинлар театрининг «Дискотека» (муаллиф Шухрат Ризаев, режиссёр Олимжон Салимов) спектаклига берилди. Бухоро вилоят мусикали драма театрининг «Турон» (муаллиф Абдунаби Ҳамро, режиссёр Убайдулло Бақоев) спектакли «Ватан ҳимоячилари акс этган энг яхши спектакль учун» номинациясига сазовор бўлди. «Бунёдкорлик ишлари акс этган энг яхши спектакль учун» номинациясига Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусикали драма ва комедия театрининг «Бошқача одамлар» (муаллифлар Охунжон Ҳакимов, Сайдали Одилов) спектакли лойиқ қўрилди.

«Эркак ролининг энг яхши ижроси учун» номинацияси Ўзбек давлат драма театрида саҳналаштирилган «Эзгулик йўли» спектаклидаги роли учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳошим Арслонов ҳамда Сурхондарё вилоят мусикали драма театрининг «Шижоат» спектаклидаги қапитан Собиров роли ижросини Бозор Рамазновга, «Аёл ролининг энг яхши ижроси учун» номинацияси эса Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар мусикали драма театрининг «Жаннат одамлар» спектакли-

даги Манзура хола роли ижросини Ўзбекистон халқ артисти Шифоат Раҳматуллаева ҳамда Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика Сатира театрининг «Садоқат» спектаклидаги Гулчехра роли ижросини Дилафруз Мамедовага берилди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят мусикали драма ва комедия театрида саҳналаштирилган «Оқ халатли фаришталар» спектаклидаги Меҳри хола роли ижросини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Бойматова «Энг яхши эпизодик роль ижроси учун» номинациясига сазовор бўлди. «Энг яхши мусиқий бе-зак учун» номинацияси Мукимий номидаги ўзбек давлат мусикали драма театрида саҳналаштирилган «Матонат» ҳамда Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусикали драма ва комедия театрида саҳналаштирилган «Бошқача одамлар» спектаклидаги бўлган муаллифи, бастакор Сарвар Юсуфовага топширилди.

«Энг яхши театршунослик иши учун» номинацияси Ўзбекистон Давлат санъат институти профессори Сотимбой Турсунбоевга берилди.

Танловнинг ғолиб ва совғандорларига диплом ва сарфалар топширилди.

(ЎЗА)

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

### Жиззах вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси куйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах вилояти Зомин туман бюджетдан ташқари пенсия жағмармаси маъмурий биноси қурилиши»

Объектнинг бошланғич қурилиш қиймати: ҚҚСиз 345,348 млн. сўм, ҚҚС билан 414,418 млн. сўм. Ишларни тугаллаш муддати: 2011 йил 30 декабрдан.

Ишларни молиялаштириш буюртмачига ажратилган бюджет маблағи жисбидан амалга оширилади. Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 47-уй. Тел.: (8372) 226-40-78, факс: 226-28-54.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги «Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 100-қарорига биноан мазкур танлов савдоларида қатнашувчилар тарқиб бўйича кичик бизнес соҳасига кирувчи ташкилотлар учун 25 фоиз миқдорда квота белгиланган.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар куйидаги шартларга жавоб бериши керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдориди айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қаралномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахас-

танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўронома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилояти қуриладиган танлов савдоси ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчиси тақдим этишининг охири мuddати — оферталар очилиш кунини ва соатига. Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади. Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

# САМАРҚАНД — ЖАҲОН МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ПОЙТАХТИ



■ Бу йилги «Шарқ тароналари» фестивали бугунги кунда ҳар томонлама гўзал ва обод бўлиб, «Ер юзининг сайқали» деган таърифга муносиб бўлиб бораётган Самарқанд заминиди Ватанимиз мустақиллигининг айна 20 йиллик тарихий санаси нишонланган, мамлакатимиз, халқимиз учун буюк муборак айём, қутлуг кунларда бўлиб ўтаётгани чуқур рамзий маънога эга. Чунки «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига айнан мустақиллик йилларида асос солинди ва бу фестиваль истиқлолимиз билан бирга камол топиб бормоқда.

Ислом КАРИМОВ

Бугун Шарқ руҳи, Шарқ тароналари, Шарқ маданияти, Шарқ фалсафаси, Шарқ мусиқаси, Фарб хайрати, Шарқ ва Фарбнинг уйғулашуви, бугун дунёнинг тинчлик, тотувлик, дўстлик, бирдамлик, эзгуликни куйлаган уйғоқ овози — Самарқанд кўчи, Самарқанд мовий гўлбазлари узра акс садо бермоқда. Бир сўз билан айтганда, Самарқанд турли маданиятлар туташган кўприк, Самарқанд бугун дунё нигоҳидаги шаҳар.



буот маркази тўлиқ компьютерлаштирилган ва тезкор интернет мавжуд. «Шарқ тароналари» номли газета ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилиб иштирокчиларга тарқатилди. Шунингдек, фестивалнинг жаҳон оммавий ахборот воситаларида ёритиш масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хориждан ташриф буюрган журналистлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Фестиваль матбуот маркази кечакундуз гажув. Биз фестиваль ҳақида мақола ва репортажлар ёзган журналистларни ҳам мукофотлашни режалаштирғанмиз. Уларнинг меҳнати муносиб тақдирланади.

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораёпти, — дейди Матбуот маркази раҳбари Сафар Остонов. — Президентимиз табригида бу алоҳида таъкидлаб ўтилди. 1997 йили биринчи фестивалда 31 давлат вакиллари қатнашган бўлса, бу йил уларнинг сони 56 тани ташкил этди. Эндликда бу фестиваль нафақат Шарқ халқлари, балки дунё мусиқа санъати ривожига муҳим урин тутмоқда. Мат-

фи шундаки, у Истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида ўтаёпти. Самарқандда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Кеча очилиш маросимида ҳамма гувоҳ бўлди — фестиваль ажойиб тарзда бошланди. У бундан ҳам чиройли давом этишига, унутилмас таассуротлар қолдиришига шубҳа йўқ. — Кеча барчамиз ажойиб тарзда саҳналаштирилган очилиш маросимига гувоҳ бўлдик, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазир Турсунали Кўзиев. — Саҳнада ижро этилган қўшиқлар ҳам, рақслар ҳам ҳаммага бирдек манзур бўлди. Самарқандни ўз даврининг интернет сифатида эътироф этишимиз керак. Эндликда Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган қадимий ва навқирон шаҳар дунё мусиқасининг чорраҳасига айланди. Ўтган йиллар ичида Самарқанд бекиёс даражада ўзгарди ва улкан салохиятга эга туристик шаҳарга айланди. У «Шарқ Рим», «Шарқ марвариди» деб эъозланиши бежиз эмас. «Ер юзининг сайқали» нафақат ўзбекистонликларнинг, балки жаҳон маданиятининг кўрки-жозибасидир.

— Мусиқа санъати бўлган халқимизнинг чексиз эҳтиром кеча намойён бўлди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев. — Ўтган давр мобайнида фестиваль доирасида жуда катта ишлар қилинди. Қанчадан-қанча истеъодлар халқро микёсга балқиб

чикди. Хозир фестиваль музейни ташкил этиш кўзда тутилган. «Шарқ тароналари» — санъат байрами. Халқимиз топган-тутганини тўйга, байрамга сарфлайди. Демак, фестиваль ҳам асрлар оша яшайди...

«Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали доирасида «Шарқ халқлари мусиқа маданиятини ўрганишда манбаларнинг аҳамияти» мавзuida халқаро илмий анжуман ҳам бўлиб ўтаётди. Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Дилором Муродова «Ўзбекистон мусиқа таълими тизимининг шаклланишида манбаларнинг ўрни» мавзuida маъруза қилди. Анжуман иштирокчилари «Амир Темур даври мусиқа маданиятига оид манбалар», «Шарқ халқлари мусиқа манбашунослиги» ва «Мусиқий манбашуносликка замонавий услубий ёндашув» каби йўналишларга бўлинган ҳолда иш олиб бораёпти.

Дунёда мамлакатлар кўп. Халқлар ва элатлар ундан-дан кўп. Телевизор орқали, интернет тармоғи ёрдамида чет элда содир бўлаётган воқеаларни кузатиб бораемиз. Уруш ўчоқларига айланган минтақалар, табиий офатлардан жабр чекаётган давлатлар, сиёсий тарқоқлик оқибатида эгасиз бўлиб қолган мамлакатларни кўриб ёқангизни ушлайсиз. У ердаги одамлар ҳам бахтли яшагач, тинч, осуда ҳаёт кечиришга ҳақли, аслида. Аммо юртидаги вазият бунга йўл қўймайди. Истасад-да, хоҳишини амалга ошира олмайдими.

Юртимизда ҳамма байрамлар тантана билан нишонланаёпти. Ҳар икки йилда «Шарқ тароналари»дек нуфузли фестивал ташкил этиляпти. Унинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни иштирокчилар сонининг ортиб бораётгани, илмий конференцияда қатнашувчилар кўпчиликини ташкил этаётганидан ҳам билса бўлади. Булар ниманинг эвазига бўляпти? Нима учун бундай ажойиб фестиваллар ўтказаямиз? Нега дунёнинг кўплаб давлатларида нотинчлик ҳукм сураётган бир пайтда биз байрам қилиш, уни нишонлаш ҳақида ўйлаёмиз, ўйлай олаямиз? Бунинг асосий сабаби юртимизда тинчлик ҳукм сураётганидир. Фақатгина тинчлик бўлган юртининг аҳолиси байрам қила олади, фақатгина тинч давлат аҳолиси эзгу ишлар қилишни ўйлайди. Тинчликка нима етсин!

Халқимиз азал-азалдан меҳмондуст бўлиб қолмай, инсоний туйғуларни улуғлаганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ахил-тотув яшаётгани ҳам дўстлик бизда қай даражада эъозланишидан далolat беради. Тўғри, собиқ тузум даврида халқлар орасига нифоқ солишга интилиш ҳаракатлари



Сандикта ШАРМА,

Ҳиндистон:

— Икки йилдан бери Тошкентдаги «Хинд маданият маркази»да хинд рақсидан дарс берман. Фестивалда миллий рақсимизни намойиш этмоқчиман. Очилиш маросими менда жуда катта таассурот қолдирди. Бу кунни ҳеч қачон унутмайман. Минглаб одамлар ижросидаги рақс мени ҳайратга солди. Ўзбекистонликлар жуда ҳам меҳмондўст одамлардир. Мендан хинд рақси сирларини ўрганаётган ёшлар жуда ҳам қобилиятли. Мен халқининг санъатга меҳр-муҳаббатидан доим ҳайратланиб келаман. Владимир ПОЛОМАР, Эстония: — Кеча фестивалнинг очилиш маросими бўлди. Бунақасини

ни олдин кўрмаганман. Бу йил фестивалда Эстониядан вакил қатнашмаяпти. Ваъда бериб айтаманки, келгуси танловда катта гуруҳ қатнашади. Эртаки нам фестивал, эртаки нам мамлакат ва афсонавий Самарқанд умрбод қалбимда қолади. Я ЧА ЛАЙ, Хитой: — Бу менинг Ўзбекистонга илк бор келишим. Ватанингиз ўзининг мусоффо ҳавоси билан ажралиб турар экан. Фестивалнинг очилиш маросими кутганга нисбатан ҳам аъло даражада бўлди. Бундай санъатсевар инсонларни олдин кўрмаганман. Ҳаммаси учун ўзбекистонликларга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Пол ЮДЕН, Буюк Британия: — Самолётдан тушган заҳотим Ўзбекистон нисбатан иссиқ эканини сездим. Менга ҳаво жуда ёқди. Ўзбек халқининг меҳмондўстлигига қойил қолдим. Бунақа самимиётни ҳеч қачондан топиб бўлмайди. Тарихий обидларининг гўзаллигини кўрган киши ўзбек меъморчилигига тан беради. Жанин ПРИНЧИПЕ, Италия: — Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро ва Хива «Шарқ тароналари» ҳақида олдин кўп эшитганман. Аммо эшитиш бошқача, кўриш бошқача экан...



Дазе ДАЗА,

Нигерия:

— Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлган фестивалларда қатнашганман. Аммо бундай санъат байрамини бошқа жойда кўрганим йўқ. Истардимки, «Шарқ тароналари»нинг нуфузини янада кўтариш керак. Очилиш маросими кутилганидан ҳам ажойиб тарзда бўлиб ўтди. Президентингиз ҳам, халқингиз ҳам ҳақиқий санъатсевар одамлар экан. Фестиваль якунланган, Германияга бораман ва албатта «Шарқ тароналари» фестивали ҳақида мақола ёзаман.

фақат эртақларда эшитганман, ишонинг! Бу каби тадбирни бошқа жойда такрорлаб бўлмайди! Саҳнага чиққан одамлар ижросидаги рақслар, уларнинг ичидан ҳам ажойиб санъатлар... Ўзбекистонга илк бор келишим. Илгари киноларда кўрганман, китобларда ўқиганман. Келгач, англадимки, Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмас эканман. Бу каби меҳмондўст, доимо қулиб турадиган инсонлар

фақат эртақларда эшитганман, ишонинг! Бу каби тадбирни бошқа жойда такрорлаб бўлмайди! Саҳнага чиққан одамлар ижросидаги рақслар, уларнинг ичидан ҳам ажойиб санъатлар... Ўзбекистонга илк бор келишим. Илгари киноларда кўрганман, китобларда ўқиганман. Келгач, англадимки, Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмас эканман. Бу каби меҳмондўст, доимо қулиб турадиган инсонлар

фақат эртақларда эшитганман, ишонинг! Бу каби тадбирни бошқа жойда такрорлаб бўлмайди! Саҳнага чиққан одамлар ижросидаги рақслар, уларнинг ичидан ҳам ажойиб санъатлар... Ўзбекистонга илк бор келишим. Илгари киноларда кўрганман, китобларда ўқиганман. Келгач, англадимки, Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмас эканман. Бу каби меҳмондўст, доимо қулиб турадиган инсонлар

фақат эртақларда эшитганман, ишонинг! Бу каби тадбирни бошқа жойда такрорлаб бўлмайди! Саҳнага чиққан одамлар ижросидаги рақслар, уларнинг ичидан ҳам ажойиб санъатлар... Ўзбекистонга илк бор келишим. Илгари киноларда кўрганман, китобларда ўқиганман. Келгач, англадимки, Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмас эканман. Бу каби меҳмондўст, доимо қулиб турадиган инсонлар

фақат эртақларда эшитганман, ишонинг! Бу каби тадбирни бошқа жойда такрорлаб бўлмайди! Саҳнага чиққан одамлар ижросидаги рақслар, уларнинг ичидан ҳам ажойиб санъатлар... Ўзбекистонга илк бор келишим. Илгари киноларда кўрганман, китобларда ўқиганман. Келгач, англадимки, Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмас эканман. Бу каби меҳмондўст, доимо қулиб турадиган инсонлар

фақат эртақларда эшитганман, ишонинг! Бу каби тадбирни бошқа жойда такрорлаб бўлмайди! Саҳнага чиққан одамлар ижросидаги рақслар, уларнинг ичидан ҳам ажойиб санъатлар... Ўзбекистонга илк бор келишим. Илгари киноларда кўрганман, китобларда ўқиганман. Келгач, англадимки, Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмас эканман. Бу каби меҳмондўст, доимо қулиб турадиган инсонлар

фақат эртақларда эшитганман, ишонинг! Бу каби тадбирни бошқа жойда такрорлаб бўлмайди! Саҳнага чиққан одамлар ижросидаги рақслар, уларнинг ичидан ҳам ажойиб санъатлар... Ўзбекистонга илк бор келишим. Илгари киноларда кўрганман, китобларда ўқиганман. Келгач, англадимки, Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмас эканман. Бу каби меҳмондўст, доимо қулиб турадиган инсонлар



Сўз — фестиваль иштирокчиларига

## Тиллар эмас, диллар сўзлайди

Сигдем ГУРДАЛ,

Туркия:

— Самарқандга илк бор келишим. Бунгача китоблар ва интернет орқали бу қадимий шаҳар ҳақида тушунча олганман. Фестивалга келган, Самарқанд таъриф этилганидан ҳам гўзал, ўхшаши йўқ эканига амин бўлдим. «Шарқ тароналари» фестивалининг очилиш тантанаси менда унутилмас таассурот қолдирди. Қадимий Регистон майдони, ажойиб саҳна кўринишлари, анъанавий ўзбек халқ қўшиқлари ва рақслар, барча-барчаси бир-бирини бойитиб бизни маҳлиё этди. Айниқса, Президент Ислом Каримов маросим сўнгида ҳар бир санъаткорга алоҳида эътибор қаратгани бир мени эмас, балки ҳаммани тўлқинлантириб юборди. Мен бирон-бир мамлакат-

да санъаткорга бундай илтифотни кўрган эмасман. Бизнинг асосий максадимиз — турк мусиқаси, турк санъати билан дилларни забт этиш. «Шарқ тароналари» бунга йўл очиб беради.

Едгар МАРТИРОСЯН,

Арманистон:

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросими ҳеч қачон ёдимдан чиқмас керак. Ҳаммаси аъло даражада ташкил этилган. Жуда чиройли безатилган тунги Регистон, миллий наволар жанри ва албатта, Ўзбекистон раҳбарининг биз санъаткорларга эзгу тиллаклари барчамизга олам-олам қувонч улашди. Мазкур фестивалда бевошита иштирок этаётганимдан қалбим чексиз фахр-ифтихорга

тўлди. Биз бирон-бир совриндан умидвор эмасмиз, аммо миллий мусиқий маданиятимиз билан одамларни таништириш имконига эгамиз. Қолаверса, Самарқанд таассуротлари янги ижодий ишларимизга туртки бўлади...

«Дунхуанг Нев Вордс» гуруҳи,

Хитой:

— Айни дамда қувончимиз чексиз. Бунинг сабаби шуки, Самарқандни кўришни доим орзу қилганмиз. Хозир эса ҳар кун дунёга машҳур Регистон майдонидамиз. Кеча шаҳардаги бошқа тарихий обидаларни ҳам зиёрат қилдик, бир олам таассурот олдик. Фестивалдаги ўзгача шўхуҳ бизга илҳом бахш этмоқда. Ўзбекистонлик таникли хонандалар ижро этган тароналар бизни мафтун этмоқда. Шу тарихи биз ўз-

бек халқини, унинг мутоз санъатини ва сермазун ўтмишини ўзимизга кашф этаёғимиз.

Али Асгар ХОҚОН,

Бангладеш:

— Регистон майдонини кўриб, ўзимни эртақлардаги сеҳрли оламга бориб қолгандай ҳис этдим. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, шарқона безаклар билан янада чирой очган ҳам ажойиб саҳна, дилларга сурур бағишлаган ўзбек наволари ва ўзига хос рақслар ҳар қандай кишини мафтун этади. Шу ўринда мана шундай анъанавий фестиваль нуфузини ошириб келаётган Президентингизга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Гуруҳимизнинг ҳар бир аъзоси 200 дан ортиқ миллий ва замонавий мусиқа асбобларининг моҳир ижросиси.

Куйларимизда мана шу уйғунлик муҳассам. Умид қиламизки, фестивалда юқори ўринлардан бирини эгаллаймиз.

Соломон ГОГАШВИЛИ,

Грузия:

— Очиги, фестивалнинг очилиш маросими бу қадар мафтункор бўлишини кутмаган эдим. Афсонавий шаҳардаги афсона дейсиз. Айниқса, Президентнинг санъатга, ҳусусан, мусиқа санъатига улкан эътибори, мана шу нотинч замонда мусиқа орқали халқларни яқинлаштиришга интилиши менга қаттиқ таъсир қилди. «Шарқ тароналари» фестивали мана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда, айни вақтда Шарқнинг мутоз санъатини улуғламоқда. Бу хозирги глобаллашув даврида фоят ибратли ҳодиса.

Руслан ЖУМАБАЕВ,

Қирғизистон:

— «Шарқ тароналари» фестивалининг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Унинг очилиш маросими чинакам санъат байрамига айланди. Шунда улугъ эъзувчимиз Чингиз Айтматовнинг «Ўзбекистон бизнинг юзимиз ва айтар сўзимиз», дегани хаёлимдан ўтди. Ҳа, ўзбек халқининг бой тарихга эга мутоз оханлари барчани бирдек ҳайратга солди. Бугун дунёнинг турли мамлакатларидан келган хонандаю созандалар бетимсол Регистонда ўз санъатини кўз-кўз эта бошлади. Бизнинг «Ордо саҳна» гуруҳи миз ҳам жиддий тайёргарлик билан келган. Ниятимиз олий ўрин — Гран Прини қўлга киритиш.

«Ўзбекистон ОВОЗИ» муҳбири Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ ёзиб олди.

**MUASSIS:**  
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TANHIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afar HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

MUHIDDIN MUHIDDINOV  
OCHILBOY RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

**BO'LIMLAR:**  
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonani manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846  
10895  
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari  
Topshirish vaqti — 21.00  
O'zA yakuni — 23.10  
Topshirilgan vaqti — 04.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **MIRFAZIYEV**  
Sahifa lovcchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5